

МАЪЛУМОТНОМА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида», 2006 йил 16 февралдаги 25-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги №1875-сонли «Чет тиллар ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сон ҳамда 2022 йил 17 январдаги «Халқ таълими ходимларини узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини ташкил этиш тартиби тўғрисида Низомни тасдиқлаш ҳақида»га 25-сон қарорлари ижросини таъминлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг 2023 йил 6 сентябрдаги 2/40-4/4-1706-сонли хати асосида ва университет Кузатув Кенгашининг 2023 йил 18 октябрдаги 4-сонли баёни асосида Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузурида Педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тармоқ маркази ташкил қилинди. Ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида тармоқ марказида инглиз тили касбий қайта тайёрлов 576 соатлик инглиз тили йўналиши бўйича қайта тайёрлов курси, педагогик қайта тайёрлов 1152 соатлик инглиз тили бўйича қайта тайёрлов курси, касбий қайта тайёрлов 720 соатлик рус тили бўйича қайта тайёрлов курси, касбий қайта тайёрлов 576 соатлик лотин тили бўйича қайта тайёрлов курси, гид таржимонлик 630 соатлик қайта тайёрлов курси, борткузатувчи 144 соатлик қайта тайёрлов курслари ташкил қилинди. 2024 йилдан бошлаб инглиз тили йўналиши бўйича касбий ва педагогик қайта тайёрлаш курслари, рус тили бўйича касбий қайта тайёрлаш курсларига тингловчилар қабул қилинди. Хозирги вақтда 100 дан ортиқ тингловчилар ушбу тармоқ марказида қайта тайёрланмоқда.